



I J T I M O I Y - S I Y O S I Y G A Z E T A S I

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Ишончим комил,
бу заминда, асрлар
давомида янги ғоя ва
билимлар яратилган,
ишонч ва бунёдкор шериклик
марказларидан бири бўлган
қадимий Самарқандда биз
иқлим соҳасидаги
замонавий таҳдидларга қарши
курашиш бўйича биргаликда
таъсирчан чора-тадбирлар
ишлаб чиқа оламиз.

21asr.uz @XXIasr_yangiliklari asrgazetasi XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

МУНОСАБАТ

САМАРҚАНД ДУНЁ САЙҚАЛИГА АЙЛАНЯПТИ



Муболағасиз айтиш мумкин, 2025 йил апрель ойининг биринчи ҳафтаси нафақат Ўзбекистон, Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунё аҳлининг диққат-эътибори қадим Самарқандга қаратилди.

Буюк Ипак йўлининг энг улкан чорраҳасида жойлашган ва уч минг йиллик бой тарихга эга бу гўзал ва жаннатмонанд манзилда XXI асрнинг ғоят таҳликали ва глобаллашган даврида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” номи билан биринчи Самарқанд саммитининг ўтказилиши тасодирий воқеа эмас.

Ва ишонч билан айтиш керакки, шахсан давлатимиз раҳбарининг қатъиятга йўғрилган сиёсий иродаси туфайли улкан цивилизациялар маркази сифатида эътироф этилган Самарқанд бугун Марказий Осиё, кўҳна Шарқ, бутун Осиё, Европа, жаҳон-

нинг энг мафтункор ва улуғвор шаҳарларидан бирига айланаётир. Ёки яқин ўн йилликларда тасаввур қилиш мумкинми, мамлакатимизнинг иккинчи шаҳри бўлмиш Самарқандда Европа кенгаши ва Европа комиссияси Президентлари, қолаверса, яна 5 давлат Президентининг энг нуфузли анжуманга ташриф буюришларини? Бу жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг нуфузи, салоҳияти янада ошиб бораётганини исботлаши шубҳасиз.

Европа Комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен таъкидлаганидек, “...бугунги бекорор дунёда Европа ҳар доимгидек очиклик ва ҳамкорлик тарафдори бўлиб қолади. Европа Иттифоқи учун Марказий Осиё муҳим ҳамкор”.

Албатта, бундай тарихий аҳамиятга эга тадбирлар юрти- мизда ҳали кўп ва ҳўп давом этажак.

2

Европаникидан қолишмайди

4с



Пойтахтлар қачон ўзгаради?

5с



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида таъкидлаганидек, 140 га яқин давлатдан 2 мингдан зиёд иштирокчи қатнашаётган ассамблея “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” мавзусида ўтказилгани ғоят чуқур рамзий маънога эга эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. 181 та миллий парламент ва 15 та минтақавий уюшмани бирлаштирган Иттифоқнинг ассамблеяси илк марта Марказий Осиё минтақасида, яна денг, қитъада доврақ таратган азим пойтахт – Тошкент шаҳрида ташкил этилгани ўзгача фахр бағишлайди.

ТОШКЕНТ жаҳон дипломатияси маркази!

Бўлмасам-чи, худди шундай: Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси 5 апрелда бошланган бўлса, кеча ушбу нуфузли анжуман ниҳоясига етди!




Таъкидлаш жоизки, Парламентлараро Иттифоқ Президенти Тулия Эксон хоним Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган изчил ислохотларни эътироф этаркан, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган мувозанатли, конструктив ва прагматик ташқи сиёсатнинг натижаларини юқори баҳолади. Шунингдек, Парламентлараро Иттифоқнинг Бош қотиби Мартин Чунгонг ҳам дунё мураккаб муаммолар, урушлар ва зидди- ятлар гирдобиди қолаётган бир

пайтда ассамблеянинг мамла- катимизда ўтказилаётгани дав- латимиз томонидан кўп томон- лама ҳамкорлик ва парламент дипломатиясини ривожланти- ришга жиддий эътибор қара- тилаётганининг яққол исботи эканлигига урғу берди. Яна бир аҳамиятли жиҳати, жаҳондаги етакчи ОАВ ҳамда сайтларда мазкур анжуман ҳақида таниқ- ли сиёсатдонлар, мутахассис ва экспертларнинг ижобий фикрлари эълон қилинди. Эътироф этиш керак: жаҳон парламентаризми тари-

ҳида мазкур ассамблея доира- сида бугунги кунда дунё аҳли- ни чуқур ўйлантириб турган энг муҳим глобал масалаларга оид халқаро ҳужжатлар, жумладан, тарихий Тошкент декларация- сининг қабул қилиниши унутил- мас воқеага айланиши табиий. Давлатимиз раҳбари ас- самблея иштирокчиларига қарата “Сизлар – бамисоли халқларни бир-бирига боғлов- чи мустаҳкам дўстлик кўпри- гисиз. Сизлар – одамларнинг дарду ташвиши ва муаммолари- ни энг қуйи тизимдан бошлаб,

керак бўлса, минтақавий ва халқаро миқёсга олиб чиқишга, уларга самарали ечим топишга қодир бўлган қудратли кучсиз- лар. Албатта, сизлар ўз халқла- рининг хоҳиш-иродасини намоён этиб, миллий тараққиёт моделларини ишлаб чиқишда, замонавий хавф-хатарларга муносиб жавоб беришда катта роль ўйнамоқдасиз”, – деган пурмаъно сўзлари барчамизга улкан масъулият бағиш- лади, руҳлантиради.

3



Амир Темур:
КАМ ЕГИН, КАМ УХЛА,
КАМ ДЕГИН!

6

МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: ҲАР ТОМОНЛАМА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон раҳбарининг саъй-ҳаракатлари туфайли кейинги йилларда Марказий Осиёда барқарорлик ва дўстлик муҳити яратилди. Буларнинг барчаси яхши қўшничилик ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган фаол ва прагматик ташқи сиёсатнинг яққол намунасидир. Давлат раҳбарларининг умумий сиёсий иродаси туфайли минтақада барқарор ва орта қайтмас тус олаётган чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. Ишонч ва яхши қўшничилик мустаҳкамланиб, кенг қўламли ҳамкорлик ва кооперация кенгаймоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи (ЕИ) ўртасидаги ҳамкорлик турли йўналишларни қамраб олган ҳолда сезиларли даражада мустаҳкамланиб, ҳар икки томон учун ҳам муҳим аҳамият касб этаётгани яққол сезилмоқда. Буни 2016 йилдаги 2 миллиард доллардан 2024 йилда қарийб 6,5 миллиард долларга етган товар айирбошлаш мисолида ҳам кўриш мумкин. Мамлакатимизда Европа капитали иштирокидаги мингдан ортиқ корхона умумий қиймати 30 миллиард евродан ортиқ сармоявий лойиҳаларни амалга оширмоқда.

2024 йил апрель ойида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида ўта муҳим хомашё материаллари соҳасида стратегик шериклик бўйича “Йўл харитаси” имзоланган эди. Ушбу келишув ишлаб чиқариш ва етказиб бериш заنجирларини интеграция қилиш, инвестицияларни жалб этиш ва экологик жиҳатдан барқарор хомашё манбаларини илгари суришга қаратилган.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларга оид ушбу мисоллар минтақавий ҳамкорлик нечоғлиқ муҳимлигини кўрсатади. Европа Иттифоқининг асосий

сиёсий ва иқтисодий институтлари раҳбарлари Марказий Осиёда интеграция ва барқарор ривожланиш жараёнларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Буни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган биринчи “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” саммити мисолида ҳам кўриш мумкин. Унда Европа Кенгаши Президенти Антонио Кошта, Европа Комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен, Марказий Осиё давлатлари президентлари, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Европа инвестиция банки раҳбарлари иштирок этгани тadbирнинг юксак даражадаги нуфузидан дарак беради.

Кун тартибига мувофиқ Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ва амалий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди. Етакчилар умумий хавфсизлик муаммоларини ҳал этиш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ҳамда энергетика ва рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди. Айниқса, Европа Кенгаши Президенти Антонио Коштаннинг Европа Иттифоқининг Марказий Осиё билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш истаги баён этилган сўзларини алоҳида таъкидлашни истардиқ.

Сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш ва товар айирбошлашни ошириш, инновациялар, яшил энергетика, тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорт, логистика ва

рақамлаштириш соҳаларида қўшма дастур ва кооперация лойиҳаларини илгари суриш, маданият, туризм, фан, таълим ва бошқа устувор йўналишларда фаол алмашинувларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақамизда ҳамкорликда ийрик инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари амалга оширилиб, уларни қўллаб-қувватлаш учун инвестиция жамғармалари ва компаниялари амал қилаётганини мамнуният билан қайд этиш жоиз. Худудлараро товар айирбошлаш ҳажми ортиб, чегараолди савдо зоналари яратилмоқда. Буларнинг барчаси минтақанинг барқарор иқтисодий ривожланишига хизмат қилмоқда. Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро алоқалар сезиларли даражада ошгани кузатиляпти. Охириги етти йилда мамлакатларнинг товар айирбошлаш ҳажми бир неча баробар ортиб, 54 миллиард еврони ташкил этди. Самарали ҳамкорлик платформалари ишга туширилди. Барча муҳим йўналишлар бўйича вази́рлар ййғилишлари, форум ва саммитлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилди. Аввало, сиёсий мулоқотни, кўп томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланди. Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасида стратегик

шериклик ўрнатиш ҳақида қабул қилинаётган ҳужжат қоидаларини амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Стратегик шерикликни аниқ қарорлар, лойиҳа ва дастурлар билан бойитиш мақсадида шериклик ва ҳамкорлик бўйича тўлақонли битимни имзолаш масаласини кўриб чиқиш таъкид этилди.

Навбатдаги Тошкент инвестиция форуми доирасида икки минтақанинг инвестициявий имкониятларига бағишланган алоҳида сессия ўтказиш ва Европа компаниялари учун Ўзбекистонда Минтақавий саноат парки концепциясини тақдимот қилиш таъкид этилди. Давлатимиз раҳбари, шунингдек, яшил энергетика, инновациялар, транспорт, инфратузилма ва аграр соҳадаги ийрик минтақавий лойиҳаларни илгари суриш учун Инвестиция платформасини ишга тушириш ташаббусини ўртага ташлади. Биринчи саммит якунида икки минтақа ўртасида стратегик шериклик ўрнатишни назарда тутувчи қўшма декларация ва ўта муҳим минераллар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида декларация қабул қилинди.

Самарқанд саммити бугун Марказий Осиёда ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш учун зарур шарт-шароит яратилганини яққол кўрсатди. Ишончимиз қомилки, бу Марказий Осиё ва Европа манфаатлари йўлидаги амалий ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилади.

ЯНГИ ДАВРГА ҚАДАМ ҚЎЙИЛЯПТИ



Шавкат ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Европа кенгаши Президенти Антонио Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен хузурида мамлакатимизда Европа инвестиция банкнинг минтақавий офисини таъсис этиш тўғрисида битим имзоланди.

Кўхна ва ҳамиша навқирон Самарқандда ўтказилган “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” саммити Ўзбекистон учун нафақат муҳим сиёсий воқеа, балки тарихий ва амалий имкониятларни рўёбга чиқариш учун ўзига хос мулоқот майдонига ҳам айланди. Асосий жиҳати, анжуман мамлакатимизнинг халқаро имижига ва нуфузини янада кучайтириш баробарида минтақадаги етакчи давлат сифатидаги ўрнини ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ташқи сиёсатимизнинг очик, прагматик ва мулоқотга тайёрлигининг амалий ифодаси бўлди.

Аслида Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги фаол муносабатлар мустақилликнинг илк йилларидан бошланган эди. Жумладан, 1996 йил 26 июнда Флоренция шаҳрида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги “Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида”ги битим имзоланган. 1999 йил 1 июлдан эътиборан кучга кирган битим ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизига айланди.

Алоқаларнинг тез ва барқарор ўсиб бориши эса 2016 йилдан кейинги даврга тўғри келади. Европа Иттифоқи билан 2018 йил ноябр ойидан “Чуқурлаштирилган шериклик тўғрисида”ги янги келишувни имзолаш бўйича расман музокаралар бошланди.

Таҳлилчилар фикрича, Марказий Осиё Европа Иттифоқи аъзо дав-

латлар иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Ушбу тузилмага аъзо давлатлар Ўзбекистон учун 450 миллион аҳолига эга катта бозор бўлса, Марказий Осиё улар учун қарийб 80 миллион аҳолидан иборат тез ривожланаётган бозор сифатида бир-бирини тўлдирди. Бу ҳамкорлик озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт барқарорлигига эришишда айниқса қўл келади.

Шу каби қатор омиллар сабаб “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” биринчи саммити халқаро муносабатлар тизимида муҳим воқеа сифатида баҳоланмоқда. У нафақат икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлайди, балки минтақавий барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва сиёсий ҳамкорлик учун кенг имкониятлар эшигини очади.

Дарвоқе, Марказий Осиё – Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги стратегик ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда Президентимиз ташаббуси билан 2022 йилда “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўзаро боғлиқлиги: барқарор ривожланиш учун глобал дарвоза” мавзусидаги биринчи конференциянинг ташкил этилгани ва унда минтақавий даражада савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш учун транспорт коммуникация тизимлари, энергетика ва рақамли инфратузилмани ривожлантириш ҳамда хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Самарқанд декларацияси қабул қилингани ҳам алоҳида эътироф этиш лозим.

Самарқанд саммити доирасида савдо, саноат, логистика, энергетика соҳаларида янги лойиҳалар муҳокама қилинди. Бу орқали Европа мамлакатларидан инвестиция жалб қилиш учун янги платформалар яратилди. Қишлоқ хўжалиги, қайта тикланувчи энергетика ва рақамли иқтисод соҳаларидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, саммит транспорт ва логистика инфратузилмасини янгилаш, минтақани транзит хабга айлантириш йўлида қўллаб-қувватлаш имконини беради. Келгусида бу ҳамкорлик Тошкент – Самарқанд – Туркманбоши – Кавказ – Европа йўналишидаги транспорт коридорлари орқали Европа билан боғланиш имкониятини кенгайтириши ҳам мумкин.

Қолаверса, Самарқанд саммити Ўзбекистон ва минтақада атроф-муҳитни асраш ҳамда “яшил” лойиҳаларни кенгайтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Орол муаммоси, сув ресурсларини бошқариш, иқлим ўзгаришига мослашув каби масалаларда Европа тажрибаси ва маблағлари Ўзбекистон учун жуда катта аҳамиятга эга. Сабаби, бугунги кунда яшил энергетика Европа Иттифоқи учун устувор йўналиш, бу соҳада Ўзбекистон ЕИДдан грант ва технологиялар жалб этиш мумкин.

Умуман олганда, Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ҳамкорлиги асосан уч йўналишда – минтақавий хавфсизлик, иқтисодий ҳамкорлик ҳамда иқлим ўзгариши масалаларида бўлиб, бу борада биргаликдаги ташаббуслар асосида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши.

Ушбу саммит нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун Европа билан стратегик алоқаларни чуқурлаштиришда янги даврни бошлаб берди, дейиш мумкин.

Дарвоқе, юқорида қайд қилинган Европа инвестиция банки Европа Иттифоқининг етакчи молиявий институтидир. Таъкидлаш жоиз, офиснинг Тошкент шаҳрида очилиши ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиёда яшил иқтисодиёт, инновацион саноат ва замонавий инфратузилмани ривожлантиришга жалб этилаётган инвестициялар ҳажмининг ошириш имконини беради.

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ФАҚАТ ЭКОЛОГИК ЭМАС, БАЛКИ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ МУАММО ҲАМДИР

Иқлим ўзгариши бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бўлиб, нафақат экологик, балки иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Самарқандда ўтган Халқаро иқлим форумида давлатимиз раҳбари жаҳон ҳамжамиятини экологик муаммолар юзасидан самарали ҳамкорлик қилишга чақирди.

Президентимиз Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши курашда халқаро ташаббусларни қўллаб-қувватлашни билдириб, мамлакатимизнинг кўёш энергияси, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларига тўхталди. Бундай чора-тадбирлар иқтисодиётимизни янгилашга ёрдам берибгина қолмай, балки атроф-муҳитни асраб-авайлашга ҳам ҳисса қўшади.

МИНТАҚА БАРҚАРОРЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИ МУҲИМ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан минтақамизда ташқи сиёсат соҳасида янги чоралар жорий этилмоқда, бу эса халқаро майдонда янги имкониятларни очиб бермоқда. Самарқандда ўтган “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” биринчи саммити ушбу саъй-ҳаракатларнинг муваффақиятли амалга оширилган намунаси сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, умумий сиёсий ирода туфайли Марказий Осиёдаги чуқур трансформация жараёнлари барқарор ва орта қайтмас тус олди. Ишонч ва яхши қўшничилик мустаҳкамланмоқда, кенг қўламли ҳамкорлик ва кооперация алоқалари кенгаймоқда. ЕТББ прогнозига кўра, жорий йил минтақавий ялпи ички маҳсулот ҳажми 6 фоизгача ошади, бу бошқа минтақалардаги ўртача кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқори.

Минтақа ва Европа Иттифоқи

ўртасидаги ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашгани кузатиляпти. Сўнгги етти йилда мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми бир неча баробар ўсиб, 54 миллиард еврони ташкил этди. Саммит доирасидаги конструктив ва самарали кечган учрашувлар икки минтақа манфаатлари йўлида шериклик ва амалий ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга бўлган сиёсий ирода ва қатъиятнинг намоён эди. Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен 12 миллиард евролик сармоя па-



Алибек ИШЧАНОВ,
Халқ депутатлари
Хоразм вилоят кенгаши
депутати


Иқлим ўзгаришига қарши курашда депутат сифатида мен ҳам масъулият ҳис қиламан. Келажақ авлодларимиз учун хавфсиз ва барқарор атроф-муҳитни яратиш мақсадида кучларни бирлаштиришимиз керак. Айниқса, халқаро ҳамжамият, хусусан, Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, инвестицияларни жалб қилиш талаб этилади.



Усмон ШОМУРОДОВ,
O'zLiDeP Бухоро туман кенгаши
раиси, Халқ депутатлари
Бухоро туман кенгаши депутати

кетини эълон қилиши буни яққол кўрсатиб турибди.

Мазкур анжуман Ўзбекистон ташқи сиёсатининг дадил қадамларидан бўлди. Бу нафақат сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликда, балки экологик, иқлим ўзгаришлари ва парламент дипломатиясида ҳам янги имкониятлар очилишига замин яратди. Европа билан ҳамкорликни фаоллаштириш минтақамизда глобал миқёсда ўз позициясини янада мустаҳкамлаб бораётганини намоён этмоқда.



ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИГА ҲАМОҲАНГ



Дилшод ШОУМАРОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия
қўмитаси раиси уринбосари

– Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси Тошкентда ўтказилиши мамлакатимиз давлатини, халқаро ҳамжамиятнинг Президентимиз бошчилигида юртимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, ислохотларга хайрихоҳлигини, ишончини тўла намоён этди. Бу нуфузли ташкилот фаолияти ва устувор мақсадлари Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар билан ҳамоҳанг эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, унинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган стратегиясида демократик ўзгаришлар, инсон ҳуқуқлари, тинчлик ва хавфсизлик, барқарор ривожланишга доир асосий йўналишлар белгиланган ва улар мамлакатимизнинг тараққиёт стратегиясидаги устувор вазифалар билан муштарак.

Давлатимиз раҳбари ассамблеядаги нутқидан парламентаризм глобал сиёсатда кучли, таъсирчан восита сифатида катта аҳамиятга эгалигини қайд этиб, дунё парламентлари аъзолари бугунги кунда инсониятни ўйлантираётган муаммоларни энг қўйи бўғинлардан тортиб, халқаро майдон минбарларига олиб чиқаётганлигини самимий эътироф қилди. Шунингдек, сайёрамизнинг турли жойларида нотинчликлар рўй бераётган бир даврда халқлар тинчлигини сақлаш, ҳамкорлигини янада ривожлантиришга кўмаклашиш борасида самарали фаолият олиб бораётганини айтиб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти ўз нутқида “Ҳозирги кунда барча жаҳонларга кенг кириб келаётган сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорликни кучайтиришнинг бугунги замоннинг ўзи биздан талаб этмоқда. Сунъий интеллектдан фойдаланиш этикаси бўйича модель қонун ишлаб чиқилиш, ушбу инновацион ҳуқуқий асос дунё миқёсида тез ривожланаётган ушбу соҳани самарали тартибга солишда барча давлатлар учун ўзига хос намуна бўлар эди”, – дея таъкидлади.

Ассамблея иштирокчилари мамлакатимиз раҳбарининг ушбу ташаббусини тўла қўллаб-қувватлаб, мазкур масала ҳақиқатдан ҳам глобал хусусият касб этишини эътироф этишди. Дарҳақиқат, бугунги кунда сунъий интеллект технологиялари кўплаб соҳаларда қўлай имкониятларни яратиш билан бирга айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Масалан, сунъий онг орқали яратилган сохта хабарлар муаммоси ўткирлашиб борапти. Интернет платформасида ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган фейк ва дезинформациянинг ортиб бориши медиа саводхонликни ошириш бўйича аниқ вазифаларни белгилашни талаб этмоқда. Шу билан бирга, сунъий интеллектнинг ижтимоий ва бошқа соҳаларга жорий қилишда шахсга доир маълумотлар дахлсизлиги, уларни сақлаш ва бошқариш масаласи ҳам жуда долзарб. Бундан ташқари, ундан фойдаланишнинг ахлоқий жиҳатлари талай давлатларни таъшишга солмоқда. Шунинг учун сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратишда мазкур масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ. Жорий этилиши кутилаётган зарур қоидалар инновацияларни “бўғиб” қўймаслиги ва аниқ пайтда сунъий тафаккурдан ҳуқуқий ҳамда ахлоқий меъёрларга асосланган ҳолда фойдаланишга имкон бериши лозим. Тизимни тартибга солуви қонун-қоидалар инсон фаровонлиги, адолат, ошқоралик ва шахсий дахлсизликка асосланиши зарур.

БИРЛАШИШ ВА ШЕРИКЛИК САРИ ЙЎЛ



Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар
масалалари қўмитаси раиси,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

– Бугун Ўзбекистон дунёни бир нуқтада бирлаштирмоқда. Бу бирлашувнинг азалий ва тарихий томирлари бор. Ўз даврида буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз салтанатининг юраги бўлган Самарқанд бутун дунё интилан, таппинган. Наҳот, ҳаёт, маърифат ва маданият шу ердан жаҳонга тарқалган эди.

Ана шу тарихий илдишлардан куч олган Ўзбекистон дунё билан бўйлашмоқда. Биласизми, Ўзбекистон дастлаб ён қўшилганга кучоқ очди, ўзaro манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйди. Гапни битта қилди. Азалий дўстлик, яъни Марказий Осиё бир бутун, яхлит маконга айланди.

Бу бирлик ва ҳамжиҳатлик бутун дунёни ҳайратлантирди. Дўстликнинг кучи, қудрати нимада экани дунёга сезилди. Ҳақиқатан минтақа давлатлари билан яхши қўшничилик, оғизбирчилик улкан муваффақиятларга йўл очди. Ушбу йўл орқали дунё Ўзбекистонга оқиб келмоқда. Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеясининг Ўзбекистонда ўтказилишида ҳам муштарак мақсад мужассам.



Давлатимиз раҳбари халқаро анжумандаги нутқидан, давримизнинг ўтқири муаммосига айланган, сайёрамиз тараққиётга жиддий тўсиқ бўлаётган иқлим ўзгаришлари доимо диққатимиз марказида бўлиши кераклигини таъкидлади. Гап шундаки, иқлим ўзгаришининг аянчли оқибатлари, энг аввало, ривожланаётган мамлакатларга кучли таъсир ўтказди. Шундан келиб чиққани ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Париж битими доирасида ва углерод нейтраллигига эришиш борасида ўз зиммализига олган мажбуриятларни тўлиқ бажариш ҳар қачонгидан ҳам муҳим, бу масалани Самарқандда бўлиб ўтган халқаро иқлим форумида ҳам муҳокама қилдик.

Давлатларнинг иқлим сиёсати бўйича илғор ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, қайта тикланадиган энергия манбалари ва “яшил” технологияларга ўтишни рағбатлантириш парламентларнинг муҳим вазифасига айланса, албатта, салмоқли ютуқларга эришамиз. “Иқлим ўзгариши мавзуси ассамблеянинг кун тартибидоги бош масалалардан бири сифатида доимий ўрни олиши керак”, – дея таъкидлади юртбошимиз.

Дарҳақиқат, бугун дунё қалқиб турибди. Иқлим ўзгариши, глобал иссиқ, қурғоқчилик, чўлланиш, сув танқислиги, табиатдаги мувозанат бузилиши, саноатнинг жадал ривожланиши орқали атмосферага чиқиндилар ҳаддан ташқари кўп чиқарилиши каби муаммолар инсониятни чуқур ўйлантирмоқда. Мазкур муаммолар фарб ва Шарқни фаол ҳамкорликка чорламоқда. Бу бирлашув ва шерикликка эҳтиёж ниятда катта.

Глобал ўзгаришлар ва иқлим муаммолари шароитида барқарор шерикликни янада кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам қайта тикланувчи энергия манбалари ва “яшил” энергетикани ривожлантириш парламентлараро асосий вазифалардан бирига айланиши шарт!

Бу минтақада атроф-муҳитни асраш ҳамда “яшил” лойиҳаларни кенгайтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Орол муаммоси, сув ресурсларини бошқариш, иқлим ўзгаришига мослашув каби масалаларда янги тажриба ва халқаро қонунчиликнинг умумий нормалари жорий этилиши бостириб келаётган чўлланиш хавфини камайтириб, иқлим муҳожирилари сонини қисқаришига хизмат қилади.

Албатта, Ўзбекистон келгуси беш йилда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етказишни мақсад қилиб қўйгани ҳам бежиз эмас. Бунинг таг замирида “яшил” энергетика ва бошқа истиқболли лойиҳаларни ҳуқуқий ҳамда иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи ётибди.

ЁШЛАРНИНГ ОВОЗИ БАЛАНД БЎЛСА...



Абдулла АСЛАНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

– Бугунги кунда Парламентлараро Иттифоқ 46 000 дан ортиқ парламент аъзоларининг манфаатларини ифодалайди. Бу эса уни мулоқот, парламент дипломатияси ва халқаро ҳамкорлик учун энг муҳим платформага айлантирмоқда. Ташкилот миллий қонун чиқарувчи органларнинг тажрибаси ва амалиётини уйғунлаштириб, глобал муаммоларни бартараф этиш бўйича умумий стратегияларни ишлаб чиқишга кўмаклашмоқда.

Ташкилот фаолиятида ёшлар иштирокини кучайтириш масаласи ҳам устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Президентимизнинг ёшларнинг парламент фаолияти билан бир қаторда жамият ҳаётининг барча жаҳаларида тўлақонли иштирок этиши учун уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масаласига алоҳида тўхталиши замирида ҳам мана шундай хайрли мақсадлар мужассам.

Чиндан ёшларнинг парламентга жалб қилиниши, уларга сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш имконини беради. Қолаверса, келажакда демократик бошқарувнинг ривожига катта ҳисса қўшади. Глобал сиёсий қарорлар қабул қилишда уларнинг нуктаи назарини ҳисобга олиш, барқарор ва адолатли жамият барпо қилишга замин яратади.

Шу маънода Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпрогини (53 фоиз) ёшлар ташкил этишини инobatга олсак, бу демографик кўрсаткич мамлакатни тез суръатларда ривожлантиришда кучли манба ҳисобланади. Бунинг учун давлат томонидан ёшларга доир қўллаб-қувватлаш амалга оширилди. Сўнгги 8 йил ичида ёшлар масалаларини тартибга солуви 100 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

2020 йилда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Олий Мажлисининг иккала палатаси ҳузуридоги Ёшлар парламенти чин маънода ёшлар ва парламент ўртасидаги кўприкка айланган. Улар ўз таклиф-тавсия, фикрларини очик айтиш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, ёш авлодни қонунчилик жараёنларида жалб қилиш мамлакат сиёсий маданиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда, Ёшлар

парламенти мамлакатнинг келажаги бўлган ёш авлоднинг овози баланд эшитилишига хизмат қилимоқда. Ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва муаммоларини ҳал этишда аъзоликнинг роли тобора ортиб бормоқда. Бу нафақат давлат раҳбарияти сиёсатининг муваффақияти, балки ёшларнинг жамиятдаги фаол иштирокини таъминловчи амалий қадамлардир.

Ўрни келганда, яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтиш жоиздир. Мамлакатимизда Парламентлараро Иттифоқ кўмағида “Мен парламентда ёшларни қўллаб-қувватлайман!” деган эзгу ташаббус фаол қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, ушбу тизим асосида сиёсий етук ва фаол ёш йигит-қизларимизни миллий парламентимиз ва маҳаллий кенгашлар фаолиятига янада кенгроқ жалб этамиз. Халқ депутатлари кенгашлари тавсияси асосида ёш, ғайратли, фидойи ёшларимиз Олий Мажлис депутати ва сенаторларига бириктирилмоқда.

ИШОНЧЛИ ТАШАББУС ВА ТАКЛИФЛАР



Равшан ФОЗИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

– Президентимиз мазкур анжумандаги нутқидан жаҳоннинг турли минтақаларидаги низолар глобал ва минтақавий тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид солаётганига тўхталиб, “Дунёда юз бераётган бугунги глобал ўзгаришлар Парламентлараро Иттифоқ ва миллий парламентларимиз олдига янгидан-янги вазифаларни қўймоқда”, дея таъкидлади.

Ўзбекистон ҳар қандай зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат дипломатия ва тинч музокаралар йўли билан ҳал этишнинг қатъий тарафдори экани, Украина атрофидаги вазият бўйича бошланган музокаралар жараёни тез орада ўзининг ижобий натижасини беришига умид қилиши, қолаверса, Фаластин – Исроил низосининг ягона ва адолатли ечими “икки халқ учун – икки давлат” тамойилини рўёбга чиқариш экани хусусида тўхталиб, энг оғриқли муаммоларга халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрлари, БМТ низоми ва резолюциялари асосида ечим топиш муҳим, деб ҳисоблашни қайд этиб ўтди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари, Афғонистоннинг халқаро майдонда яқкаланиб қолишига йўл қўймаслик, амалдаги ҳукумат билан конструктив мулоқот ўрнатиш, Афғонистонга Марказий Осиё минтақасининг ажралмас қисми ва янги имкониятлар макони сифатида қараш лозимлигини эътироф этиб, бу борада парламентларнинг кўмағига умид билдирди.

Умуман олганда, ҳар бир низо дунё ва минтақавий тинчликка, хавфсизликка жиддий хавф туғдиради. Ушбу масалага ечим топиш учун ҳамкорлик, дипломатия ва конструктив ёндашувлар муҳим аҳамиятга эга. Алоҳида қайд этиб ўтиш лозим, давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббус ва таклифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан илиқ қабул қилинди ва қўллаб-қувватланди. Яна бир жиҳати, ушбу долзарб масалалар Ўзбекистоннинг сиёсий позицияси умуминсоний қадриятлар устиворлигини ифода этгани билан аҳамиятлидир.

ИЖТИМОЙ КАФОЛАТ МЕЗОНИ



Сағиндиқ ТУРМАНОВ,
O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши раиси

– Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеяси – шунчаки оддий анжуман эмас. Айнан юбилей анжумани-

нинг Ўзбекистонда ўтказилаётганида ҳам улкан маъно бор. Чунки мамлакатимизнинг бу ташкилотга 2017 йилда, яъни Ўзбекистон ўз тараққиётида янги босқичига ўтган даврда аъзоликни қайта тиклади. Ўтган қисқа давр ичида, жумладан, миллий парламентаризм ва барқарор ривожланиш соҳасида улкан тажриба тўпланди. Юртимизнинг қатор соҳаларда эришган ютуқлари йирик халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар томонидан алоҳида эътироф қилинди.

Мен учун ушбу йигинининг ёдда қоларли жиҳатларидан бири Ўзбекистон Президенти ўз чиқишида **ҳар бир инсоннинг ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, халқаро стандарт ва меъёрлар асосида сифатли хизматлар кўрсатиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб масала** эканига урғу бергани деб ҳисоблайман.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатларнинг фаровонлиги у ерда истиқомат қилувчи аҳолининг ижтимоий ҳимоя билан таъминланганлик даражасига бевосита боғлиқ. Шунга қўра, Ўзбекистон ижтимоий давлат, деб эълон қилиниб, халқнинг ҳар томонлама ҳимояси таъминланиши сиёсатимизнинг устувор йўналиши сифатида белгиланиши бу халқпарвар қонунчилик механизмларининг тўғри ташкил этилганидан далолат эмасми? Зеро, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга оширилиши, бунинг натижасида сўнгги саккиз йилда 7 миллиондан зиёд аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, унинг даражаси 35 фоиздан 8,9 фоизга туширилиши, 2025 йилда бу кўрсаткични 6 фоизга пасайтиришни мақсад қилинишида ҳам улкан инсонпарвар сиёсат мужассам экани, ижтимоий парламентаризм жорий этилганидан дарак беради.

Ассамблея доирасида бутун дунё парламентлари делегациялари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш борасида тажриба алмашишди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликка эришиш, илм-фан ва технологияларни ривожлантириш ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлаш каби ҳаётий муҳим мавзулар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

ЖАМИЯТДА АЁЛНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС



Хурлидахон ХАЛИЛОВА,
Халқ депутатлари Андижон вилоят
кенгаши депутати

– Дунё сиёсий ҳаётида муҳим воқелик сифатида эътироф этилаётган ушбу анжуманда нутқ сўзлаган Юртбошимиз халқаро парламент аъзоларини БМТ Бош ассамблеясининг “Осиё хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гуманитар фаоллигини ошириш тўғрисида”ги резолюциясини қўллаб-қувватлашга чорлар экан, **“Хотин-қизлар ҳуқуқларини қатъий қарор топтириш ижтимоий тараққиётнинг асосий шартлари-дан биридир”**, – дея таъкидлади.

Тахлилларга қўра, иқтисодиётнинг барча тармоқларида аёлларнинг эркаклар билан тенг иштироки таъминланса, жаҳон ялпи ички маҳсулоти ҳажми 26 фоизга ошар экан. Дунё миқёсида аёл депутатларнинг улуши 1995 йилдаги 11,3 фоиздан жорий йилга келиб 27,2 фоизга кўтарилгани бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали инъикоси дейиш мумкин.

Жамият бошқарувида аёллар фаоллигини қўллаб-қувватлаш бўйича таъсирчан чоралар ёрдамида, ҳеч шубҳасиз, янги натижаларга эришилмоқда. Хусусан, 2017 йилда бошқарув соҳасида хотин-қизлар ўртача 20 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда бу рақам 35 фоизга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизини, Сенат аъзоларининг 27 фоизини аёллар ташкил этмоқда.

Аёлларнинг давлат бошқаруви ва парламент фаолиятидаги иштироки кучайгани жамиятимизни ривожига ҳам ижобий таъсир этаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу билан бирга ақл-заковатли, билимли ва истеъдодли хотин-қизларимиз давлат ва жамиятнинг барча жаҳаларида ўрнак бўлишмоқда.

Йирик халқаро тадбирда иштирок этаётган парламентарийлар, халқаро ташкилотлар вакиллари давлатимиз раҳбарининг ҳар бир ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватладилар.

Ассамблея жараёнида қизгин муҳокамалар, фикр алмашувлар, янги ғоя ва таклифлар ўртага ташланди. Энг муҳими, уларнинг барчаси битта мақсадга – она сайёрамизнинг янада демократик, истиқболли ёруғ бўлишига, жиддий муаммолар ҳамжиҳатликда бартараф этилишига хизмат қилади.

Саҳифани Абдулла ЧИМИРЗАЕВ тайёрлади.

ИМКОНИАТ

Сарлавҳани ўқибок, қандайдир янгилик – саноат маҳсулотни ишлаб чиқариш ва бу борада дунёнинг етакчи давлатлари билан рақобатлашишга ҳаёлингиз кетмасин. Тўғри, ислохотларнинг янги босқичида бу борада ҳам шундай марраларга етиб келдикки, бугун юртимиз тadbиркорлари ишлаб чиқараётган енгил ва оғир саноат тизими, қурилиш маҳсулотларини Европа ва бошқа давлатларнинг ишлаб чиқариш тармоқлари ҳавас билан харид қилишяпти.

Бу галги ёритаётган мавзумиз эрқаку аёлларимиз либослари, янада тўғрироғи, уларнинг диди, хоҳиши ва албатта ҳамёни имконидан келиб чиқиб хизмат кўрсатаётган тикувчилик касби ҳақида.

Қадим ҳунармандчилик марказларидан бири Хонқада бугунда вилоятда ишлаб чиқарилаётган мебелларнинг деярли ярмиси тайёрланаётгани, Президентимиз ташаббуси билан туманда айнан ушбу ҳунар эгалари учун кичик саноат зонаси бунёд этилаётгани ҳақида олдин хабар берган эдик. Хонқалик мебелсозлар довруғи аллақачон минтақамизга ёйилаётгани ҳам чин.

Буни қарангки, бугун хонқалик қўли гул, диди баланд тикувчилар ҳам Хоразмда ўзига хос ибрат мактаби яратиб улгуришибди.

...Баҳор бошида ёзлик костюм-шим тиктириш учун Боғот тумани марказидаги тикув салонларидан бирига бордим. Ўлчамларни эринмасдан олаётган уста-бичувчи ўрта яшар эркак киши экан. Касбий қизиқувчанлик устун келиб, қаерлик эканини сўрадим. Уста “хонқаликман”, дея ишини давом қилаверди. Қисқа гурунгда билдимки, хонқалик тикувчилар аллақачон



харид қилиш учун уларнинг ўлчами, русумини танлаш осон кечмайди. Сотувчиларнинг ўша маҳсулотларни тинмай макташгани янаям ортиқча. Қизиғи, улар ҳар доим ҳам бўйингиз, қоматингизга мос келавермайди. Елкангизга мос тушса, узун ёки калталиги дидингизга ўтирмайди. Костюмининг мос ўлчамини топсангиз, шими узун ёки қисқароқ келади. Шундай пайтда истайсизми-йўқми тузатириш учун тикув сало-нига боришга мажбур бўласиз.

Лекин ўзингиз буюртма бериб тиктирсангиз лоппа-лойик келади. Бичувчи уста ўлчамларни беҳато олади ва яна бирор тўрт-беш кундан кейин келиб ярим тайёр костюм-шимини кийиб қуришингизни таклиф қилади. Ўлчамда (баъзан тикувчилар хатоси сабаб) озроқ адашишга йўл қўйилган бўлса, шу жараёнда ҳаммаси тўғриланади.

Тикув салонларида дидингизга ва мавсумга мос ўнлаб ранг ва қўринишдаги товарларни таклиф қилишади. Ҳар бир матонинг нархи, костюм-шимга неча метр сарфланиши айтилади. Устига фақат хизмат нархи қўшилади. Бу одатда кўпи билан 15-20 фоизга боради. Бу унчалик катта рақам эмас. Тикув машиналари учун сарфланидиган электр токи, тикувчилар маоши, турли солиқлар ана шу қўшимча таърифдан келиб чиқади-да!

Хонқалик тикувчи-бичувчи усталар сони борасида аниқ рақам излашимиз беҳуда кетди. Бунинг учун нафақат Хонқа, балки вилоятдаги барча туманлар ва ҳатто қўшни Қорақалпоғистонда салон очганлар сонига аниқлик киритиш учун ўнлаб тизимларга мурожаат қилишимиз керак бўларди. Аниқлаганимиз шу бўлдики, биригина Хонқада айни шу касб ортидан икки юздан ортиқ хонадоннинг қозони қайнаётгани тайин. Булар бичувчи усталар ва тикувчилар ҳолос. Шу касбга қизиқиб, шоғирдлик муддатини ўтаётганлар сони ҳам чаккимас.

Мижоз билан кечаётган суҳбатга гувоҳ бўлман:

– Буюртмангиз, насиб этса, ўн кунларда тайёр бўлади, – дейди уста ўлчамларни олгач.
– Нега бунча узоқ муддатни айтаяпсиз? – ажабланиб сўрайди у.

– Ҳозир баҳор ва ёзги либослар учун буюртмамиз жуда кўп-да...

Ишонамизки, яқин йилларда худди мебел-созлик каби тикувчилик соҳаси бўйича ҳам туманда алоҳида кичик саноат зонаси очилади ва хонқалик моҳир тикувчилар шу орқали ўз брендларига эга бўладилар. Бунга Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи”нинг биринчи расмий саммитида қабул қилинган халқаро ҳақкорлик келишувлари ҳам кенг йўл очади, албатта.

**Ўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири**

ФАРМОН ВА ИЖРО

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА
ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ МАНЗИЛЛИ
МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИ

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча соҳаларида демократик ўзгаришлар амалга оширилишида фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур ҳуқуқий база яратилди. Айниқса, Президентимиз 2024 йил 26 августда имзолаган “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борада муҳим қадам бўлган эди.

Ушбу ҳужжатда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда 2024 йил 28 октябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Сенати кенгашлари “Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарор ва ушбу ҳужжат билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси тўғрисида”ги низомни тасдиқлади.

Парламент комиссиясининг Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат 16 нафар янги таркиби шакллантирилди. Комиссияга бир қатор вазифа юклатилди. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини самарали тақсимлашни ташкил этиш, бунда очиқ-ошкоралик ва шаффофлик, натижадорликни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий ва умум аҳамиятга молик дастур ҳамда лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш каби ишлар шулар жумласидандир.

Айтиш керакки, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган барча эзгу амаллар замирида давлатимиз раҳбарининг халқимизни янада бахтли ва осойишта, обод ва фаровон, тўқис ва муносиб ҳаёт кечирishiга боғлиқ барча масалалар ечимини халқ овози бўлган маҳалла даражасига туширишга оид ташаббуси мужассам. Президент таъбири билан айтганда: **“Янги Ўзбекистонни барпо этишда биз учун энг муҳим ва асосий пойдевор бу – халқ овози, халқ фикри устувор бўлган маҳалладир”**. Шу боис номи тилга олинган парламент комиссияси ҳудудлардаги жамоат ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин алоқаларни йўлга қўйиш, маблағларни аниқ ва энг долзарб муаммолар ечимига йўналтириш ҳамда уларнинг мақсадли сарфланишини таъминлашга эътибор қаратмоқда. Ҳудудларда ўрганиш йўли билан аҳоли эҳтиёжлари, ижтимоий соҳа ва маҳаллалар тузилмаси ҳолатини яхшилашга қаратилган давлат грантлари ва ижтимоий буюртмалари дастурларини шакллантириш мақсадида жорий йилнинг 19-20 март кунлари Қорақалпоғистон Республикасида ишчи гуруҳ ўрганиш ишларини амалга оширди. Комиссия раиси, жамоат фонди директори ҳамда маҳаллий кенгаш депутатларидан иборат ишчи гуруҳ КеҒейли, Қораўзак, Тахтақўпир, Тахиятош, Шуманай,



**Гулжан ХАЛМУРАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси**

Чимбой ва Нукус туманларида бўлиб, аҳоли муаммоларини ҳамда ечимини қутаётган, ижтимоий аҳамиятга эга бошқа масалаларни ўрганди. Мақсад аниқ – муаммоларнинг манзилли ва самарали ечимига қаратилган грант танловлар эълон қилиш.

Давлат гранти эса бу ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бюджетини ва жамоат фондларининг маблағлари ҳисобидан нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига уларнинг буюртмалари бўйича танлов асосида бериладиган пул маблағлари ҳамда моддий ресурслардир. Шу боисдан ҳам Оролбўйи минтақасида истиқомат қилаётган аҳолига ўз тумани ёки маҳалласида учраётган муаммоларни тизимли бартараф қилиш, фаровонлигини таъминлаш, қўйи тизимдаги муаммоларни самарали ечиш мақсадида давлат гранти маблағларини ютиб олиш имкони борлиги айтилди. Худуд минтақасидан келиб чиқиб, грант учун лойиҳалар тақдим этишлари кераклиги уларга ҳаётий мисолларда, содда усулда тушунтирилди. Масалан, ишчи гуруҳнинг Тахиятош туманидаги ўрганишлари давомида ичимлик суви ва томорқа ерларини суғориш бўйича муаммолари борлиги аён бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, буларнинг барчаси, шубҳасиз, мамлакатимизни ривожлантириш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки ва таъсирчан ролини оширади. Бинобарин, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг янада очкилигини таъминлаш, муҳим қарорлар қабул қилинишини сифат жиҳатдан янги даражага кўтаришда айнан фуқаролик жамияти институтлари беқийёс аҳамият касб этади.

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Қашқадарёдан ҳам олимпия
чемпионлари чиқармикан?

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидаги О'зLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишида Президентимизнинг 2023 йил 28 июлида “Маҳаллаларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш ва спорт майдончаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғининг ҳисоботи эшитилди.

Бошқарма бошлиғи ўринбосари Фарид Бозоровнинг таъкидлашича, бугунги кунда вилоятдаги 1 232 та умумий ўрта таълим мактабида 686 476 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Шунингдек, 16 та Президент, ижод ҳамда ихтисослаштирилган мактаблари, 17 та Баркамол авлод болалар мактаблари ҳамда 32 та нодавлат таълим муассасалари фаолият юритяпти. Умумтаълим мактабларининг 854 тасида спорт зали мавжуд бўлиб, улардаги 6 941 та спорт тўғарагидан 132 185 нафар ўқувчи қамраб олинган. Баркамол авлод болалар мактабларида ва тармоқларида 10 та спорт турларидан 320 та тўғарақда 3 691 нафар ўғил-қиз жалб қилинган.

Қарорда Мактабгача ва мактаб таъли-

ми вазириликка маҳаллалардаги умумий ўрта таълим мактабларига тегишли ҳудудларда спорт майдончалари қурилиш ва улардан ўқувчилар, шунингдек, дарсдан ташқари ва ўқув жараёнига халақит бермайдиган вақтларда маҳалла аҳолиси бепул фойдаланиши учун зарур шарт-шароит яратиш топшириғи берилган, – деди Ф. Бозоров. – Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда вилоят спорт бошқармаси билан ҳамкорликда мактабларда мавжуд спорт залларининг 357 тасида турли спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилган.

Депутатлик гуруҳи йиғилишида таъкидланганидек, 2023-2024 йилларда вилоятда 69 та спорт майдончалари қуриб фойдаланишга топширилган бўлиб, уларнинг 53 таси

мактабларда бунёд этилди. Спорт инфратузилмаси ривожланмаган маҳаллаларда спорт майдончаси қуриш учун ўтган йилда овоз бериш йўли орқали 16 та лойиҳа ғолиб деб топилди ва ўша ҳудуддаги мактабларда ер майдонлари ажратилди.

– Яқинда Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ўтган йилги олимпия спорт турлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатларида Қашқадарё вилоятининг бирорта ҳам спортчиси медал олмагани кескин танқид қилинди, – деди **Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидаги О'зLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари ўринбосари Иброҳим Халилов**. – Янги Ўзбекистонимиз пойдеворини жисмоний ва маънавий баркамол авлод вакиллари билан қуришимизни инobatга олган ҳолда спорт соҳасини рақамлаштириш мутасаддилар, спорт федерациялари раҳбарлари ва ҳокимлар фаолиятини баҳолашда бош мезон бўлиши белгилаб қўйилди. Демак, таълим муассасаларида ҳам соғлом халқ, соғлом жамиятнинг таянчи, тинч-



лик элчиси ва ҳар бир давлатнинг миллий гурури ҳисобланган спортга бўлган муносабат ва ёндошуви кескин ўзгариш, фарзандларимизни олимпия спорт турларига тайёрлаш, иқтидорли мураббий ва спортчиларни рағбатлантиришга жиддий ёндашимимиз керак.

Йиғилишда сўзга чиққанлар мактаблардаги спорт залларини қайта таъмирлаш,

инвентарлар билан жиҳозлаш, иқтидорли йигит-қизларни рағбатлантириш, уларни нуфузли мусобақаларда иштирокига кўмаклашиш юзасидан амалий таклифларини билдирдилар.

**Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири**



ПОЙТАХТЛАР ҚАЧОН ЎЗГАРАДИ?

БИЛАСИЗМИ?

Ўтган йили Индонезия мустақиллик байрамини пойтахт Жакартада эмас, балки яқин йилларгача хариталарда қайд этилмаган Нусантара шаҳрида нишонлади. Эски пойтахт мамлакатнинг 60 фоиз аҳолиси истиқомат қиладиган Ява оролида жойлашган бўлиб, тобора сув остида қолиш хавфи кучайгани сабаб уни кўчиришга мажбур бўлишди.

Борнео оролидаги ботқоқлик ва чакалакзор ўрнида Нусантара шаҳри барпо этилди. Тенгсиз флора ва фаунанинг йўқолиб кетишидан хавотирланган экологларнинг қарши чиқиши ҳам фойда бермади. Янги пойтахтга 32 миллиард доллар сарфланди.

Қоҳира дунёдаги аҳолиси энг зич шаҳарлардан. 2050 йилга бориб, пойтахт аҳолиси сони қирқ миллионга етиши кутилмоқда. Миср раҳбариятининг пойтахтни ўзгартириш режаси ўн йиллар аввал кескинлашди. Бош шаҳардан 50 километр нарида давом этаётган бунёдкорлик ишлари мамлакат иқтисодидаги муаммолар туфайли белгиланган графикдан анча кечикмоқда.

Жанубий Кореянинг янги пойтахти Сечжон қурилиши 2007 йилда бошланган, 2012 йилдан қатор маъмурий муассаса ва вазирликлар у ерга кўчиб улгурган, кейинроқ эса кўчиш ишлари бироз заифлашди.

Сеулда 10 миллиондан ошiq аҳоли яшайди, атмосфе-



ра ҳавосининг тобора ёмонлашаётгани сабабли пойтахтни 125 км узоқликдаги янги ҳудудга кўчириш режалаштирилган.

Кейинги пайтда Эрон пойтахтини ҳам ўзгартириш тўғрисида хабарлар тарқалмоқда. Аслида Техрон аҳолиси сони кейинги йилларда кескин ошди, бугун бу шаҳарда 12 миллион киши истиқомат қилмоқда. Оқибатда йўлларда транспорт тирбандлиги, турар-жой бинолари нархининг ўсиши кузатиляпти. Саноат корхоналари ва автомобиллардан чиқаётган ис газлари жиддий норозиликларни келтириб чиқармоқда. Янги пойтахтнинг қаерда бунёд этилиши ҳали номаълум. Маҳаллий таҳлилчилар унинг ҳар ҳолда мамлакат жанубида, тобора дунё иқтисодиётининг марказига айланиб бораётган Форс кўрфазига яқин ҳудудда бўлишини тахмин қилишмоқда.

Тарихга назар соладиган бўлсак, дунёдаги қатор давлатлар пойтахтларининг ўзгариб туриши қадим замонлардан бери давом этиб келаётган жараён. Хукмдорлар саройларини янги босиб олган ўлкаларга ўзгартириб, ҳокимиятни мустаҳкамлашга эътибор берганлар ёки аксинча, пойтахт мамлакат ичкарисига кўчирилиб, кучли душман кўзидан нарида жойлаштирилган.

Қадим манбалардан маълум бўлишича, XIX асрда пойтахтларни кўҳна шаҳарларга кўчириш ҳам урфга айланган: яъни ёш авлодга ўз Ватани тарихига муҳаббат уйғотиш ва ажодлари ким эканлигини англатиш бўлган. Масалан, 1833 йилда харобага айланган қадимги Акрополь яқинидаги Афина Юнонистон пойтахти, деб эълон қилинади.

Италия пойтахти ҳам икки марта ўзгаргани маълум: 1865 йилда ҳукумат Туриндан Флоренцияга, 1871 йилда

Римга кўчирилган. Зодагонлар ва дин вакилларининг кўп-лаб кўркам ва қиммат виллаларини сотиб олмасдан абадий шаҳарни янгилаш осон бўлмагани айтилади.

XX асрда ҳам бу анъана давом этган. 1918 йилда Ўрусия пойтахти Санкт-Петербургдан Москвага кўчган, 1923 йилда Туркия бош шаҳар мақомини Истанбулдан Анкарага берган, 1960 йилда Рио-де-Жанейродан Бразилия, 1990 йилда Бонндан Берлинга кўчирилгани маълум.

Украина пойтахти тақдирида ҳам икки марта алмашиш бор экан. Аввалига 1919 йилда бу мақом Киевдан Харьковга олиб берилган, 1934 йилда эса бош шаҳар яна ўз манзилига қайтган.

Покистоннинг бугунги пойтахти Исломобод 1960 йилда бунёд этилган. Унгача Карачи (1947-1958 йиллар), сўнг жуда қисқа муддат бош шаҳар вазифасини Равалпинди бажарган.

Пойтахтларни ўзгартириш XXI асрда ҳам давом этди. Аввалги юз йилликлардаги каби бу ишдан сиёсатчилар ҳокимиятни мустамкамлаб олиш, тадбиркорлар йирик қурилиш ишларидан бойиб қолиш, амалдорлар эса давлат ғазнасини ўмириш пайида бўлишган.

Сўнгги ўн йилликларда пойтахтни кўчиришнинг сабаблари тўғрисида гап борганда, аввало, бош шаҳар аҳолисининг кескин кўпайиб бораётгани, унинг мамлакат бошқа истиқомат жойларидан устунлиги, улар ўртасида пойтахт



лашуви ҳам сабаб қилиб кўрсатилади. Яратилажак янги пойтахт ҳудуди тараққиётини жадаллаштириш учун амалга оширилади.

Янги асрда биринчи бўлиб пойтахтини Мьянма (эски Бирма) ўзгартирди. 1948 йилдан бери давлатнинг маъмурий маркази кўпмиллионлик Янгон эди. Дунёдаги глобал таҳликалар кучайгани сари 2005 йилда пойтахтни 320 километр узоқликда махсус режа асосида қурилган янги шаҳар – Нейпидога кўчиришга мажбур бўлинади.

2018 йилда шарқий Африкадаги Бурунди Президенти Пьер Нкурунзиза 2007 йилда пойтахтни Бужумбурдан Гитегга кўчириш тўғрисида халққа берган ваъдасини бажарганини маълум қилди.

Кейинги йилларда Россия пойтахтини ўзгартириш тўғрисида ҳам ахён-ахёнда гап-сўзлар чиқиб турибди. Хусусан, уни Магадан, Новосибирск, Омск каби шаҳарларга ўзгартириш таклифлари киритилган.

Бу борада минтақамизда ҳам пойтахтни ўзгартириш ҳолатлари кузатилди. 1997 йил охирида Оқмўла Қозоғистон пойтахти мақомига эришади. Унгача шаҳарнинг номи бир неча марта ўзгариб турган: Ишим, Акмолинск, Целиноград, Остона, Нурсултон...

1931 йилдан бери мамлакат пойтахти бўлиб келган Олмаота нафақат маҳаллий халқнинг, балки чет элликларнинг ҳам сеvimли шаҳри бўлиб қолмоқда.

Эътиборлиси, 1930 йилда Ўзбекистоннинг бош шаҳри Самарқанддан Тошкентга кўчирилгани ҳам биламиз...

Аброр ХОН

МУНОСАБАТ

Реклама ҳуқуқида

Коррупцияга қарши курашиш

ҲАР БИР ИНСОННИНГ, ҲАР БИР ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ ВИЖДОН АМРИГА АЙЛАНМОҒИ ДАРКОР

СЎНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА БУ ИЛЛАТГА ЧЕК ҚЎЙИШГА ҚАРАТИЛГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. БИРОҚ БУ ХАВФЛИ БАЛОНИ ТУБ ИЛДИЗИ БИЛАН ЙЎҚ ҚИЛИБ ТОШЛАШ ҲАМИША ДОЛЗАРБЛИГИЧА ҚОЛАВЕРАДИ.

Жорий йилнинг 5 март куни Президент Шавкат Мирзиёев коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йўғилишида бу борадаги давлат сиёсатининг стратегик мақсадлари ва амалдаги чора-тадбирлар ҳақида сўзлаб, коррупцияга қарши курашишни давлат сиёсати даражасида қўриб чиқиш, бунинг учун барча ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий механизмларни яратиш зарурлигини таъкидлади. Мамлакатда коррупцияни бартараф этиш учун кенг қамровли ва тизимли ёндашувларни татбиқ этиш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Айни йўналишдаги турли мақсадли дастурлар, қонунлар ва марказий органлар томонидан олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги муҳокама қилинди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий стратегияларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш учун масъул ташкилотлар ва расмий шахслар ўртасида янги форматларда ҳамкорлик қилиш кераклиги айtilди. Халқаро тажрибалардан фойдаланиш, коррупцияга қарши самарали стратегияларни ишлаб чиқиш ва қўллашга қаратилган ҳаракатлар тақдим этилди.

Президент мамлакатдаги барча идора ва ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашишдаги масъулиятини янада оширишга қақирар экан, бу ишда оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятини жалб қилиш муҳимлигига эътибор қаратди. Бу жараёнда давлат хизмати ва суд органларининг ролини шунчаки текшириш эмас, балки самарали тизим ва ишларнинг шаффофлигини таъминлаш муҳимлиги айtilди.

Хусусан, суд тизимида коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш, одил судлов сифати ва самарадорлигини ошириш доимо диққат марказида бўлиши зарурлиги, сўнгги йилларда судлар мустақиллигини таъминлаш бўйича катта ислохотлар амалга оширилгани, лекин судьяларни мажлисга қақиршиш, уларга вақолатига кирмайдиган вазифаларни юклаш ҳолатлари ҳам учраб тургани, айрим идоралар томонидан судга таъсир ўтказишга уринишлар ҳали-ҳануз давом этаётгани одил суд-



ловга соя солиш, деб баҳоланиши, бу бўйича сўров ҳам, жавобгарлик ҳам қаттиқ бўлиши қайд этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш механизмида суд-ҳуқуқ тизимининг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда суд жараёнлари онлайн трансляция қилинмоқда, суд қарорлари электрон шаклда эълон қилиниб, очиқлик даражаси оширилди. Судьялар мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ишига ташқи аралашувларга йўл қўйилмаслиги ва бу ҳолатлар жиддий назорат қилиниши муҳим. Судьяларни тайинлаш ва ишдан озод қилиш жараёни шаффоф ва адолатли бўлиши зарур. Бу эса халқнинг суд тизимига бўлган ишончини янада оширади.

Коррупцияга қарши курашнинг яна бир муҳим томони сифатида, давлат органларида, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш зарурати келиб чиқади. Шу билан бирга, тергов ва прокуратура органларининг коррупция ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этишдаги роли янада кучайтирилиши, жиноий ишларни тергов қилиш ва назорат қилиш тизими тўлиқ рақамлаштирилиши белгиланди.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилларидан бири, бу одил судловнинг кафолатланганидир. Шу сабабли, адвокатлар, фаолиятига ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш, уларнинг суд жараёнида эркин иштирокини таъминлаш долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланди. Шунингдек, коррупцияга қарши миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича ишларни тезлаштириш ва бу жараёнга жамоатчилик назоратини жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Коррупциянинг олдини олиш – давлат хизматига профессионал ва фидойи кадрларни танлаш ҳамда уларни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлашдан бошланади. Шу боис ишга олишдаги тартиб ва ёндашувларни такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Эндиликда давлат хизматчилари даромадини декларациялашга оид қонун зарурати қайд этилиб, унинг лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилади. Фикри тоза, коррупцияга тоқатсиз янги авлодни тарбиялаш мақсадида таълим масканларида ҳалоллик ғоялари сингдирилади ва уларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланади.

Давлатимиз раҳбари жамоатчиликка мурожаат қи-

либ, коррупцияга қарши курашиш умуммиллий вазифа, ҳар бир ватанпарвар юртдошимизнинг виждон иши эканини таъкидлади.

– Ҳаммамиз ягона куч бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, катта ижобий самарага эришамиз. Шу боис маҳалла фаоллари, нурионилар, зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият ходимлари, тадбиркорлар, таниқли шахслар, раҳбарлар, депутат ва сенаторлар – умуман бутун жамоатчилик бирлашиб, коррупцияга “жамият танасидаги саратон” сифатида қараши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Дарҳақиқат, коррупцияга қарши курашиш аслида шу давлат, шу жамиятда яшаётган ҳар бир инсоннинг, ҳар бир давлат хизматчисининг асосий вазифаси, виждон амри бўлиши зарур. Ана шундагина биз ўйлаган мақсадимизга эришамиз.



Шоира ЭРМЕТОВА,
Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси

АМИР ТЕМУР: КАМ ЕГИН, КАМ УХЛА, КАМ ДЕГИН!

Амир Тему́р моҳир саркарда, одил ҳукмдор, энг асосийси, маърифатпарварлиги билан нафақат Марказий Осиё халқлари тарихида, балки жаҳон тарихида салмоқли ўрин эгаллаган. Темурийлар сулоласининг XIV-XV асрлардаги ҳукмронлиги жаҳон тарихида алоҳида ўчмас из қолдирди. Утган олти юз йилдан кўпроқ давр мобайнида Амир Тему́рга бағишлаб Европада 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқин асарлар яритилган. Тарихда бирорта давлат бошлиғи ёки саркардага бағишлаб бунчалик кўп асарлар битилмаган.

Амир Тему́р ўз давлати дунёга юз тутиши учун даставвал ҳарбий ва давлатчилик соҳасида чуқур билим ва тажрибага асосланган муҳим ислохотларни амалга оширишга эришди, келгуси авлодларга дастуриламал бўла оладиган давлат бошқаруви тизимини яратди. Марказий Осиёда бир ярим аср мобайнида босқинчилик, зуравонлик, адолатсизлик ва вайронагарчилик ҳукм сурган феодал тарқоқликка барҳам берди. Халқ иқтисодий, маданий, маърифий турғунлик гирдобидан олиб чиқилди. Унинг буюк ишлари ва салобатли давлати ўз даврида ҳам Шарқ, ҳам Ғарбда тан олинди. Амир Тему́р Иккинчи Ренессансни бошлаб берди ва temuрийлар ҳукмронлигида илм-фан гуллаб-яшнади.

Амир Тему́р маънавиятининг юксаклигига қўйидаги омиллар сабаб бўлганини кўришимиз мумкин.

Биринчидан, Амир Тему́рнинг ота авлоди ва она авлоди илм-маърифатли инсонлар бўлган ва Соҳибқирон зиёли оилада тарбия топган. Амир Тему́р 1336 йил 9 апрелда Кеш (ҳозирги Шахрисабз) шаҳри яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғи (ҳозирги Яққабоб тумани ҳудуди)да туғилган. Тему́р ёшлик чоғлариданоқ махсус мураббийлар назорати остида чавандозлик, овчилик, камондан нишонга ўқ узиш, бошқа турли машқ ва ҳарбий ўйинлар билан машғул этилган. Шу аснода Тему́р тулпорларни саралаб ажрата оладиган моҳир чавандоз ва доворак баҳодир бўлиб вояга етган. У табиятан оғир-босиқ, теран фикрловчи, юксак идрокли ҳамда ниҳоятда зийрак, кишилардаги қобилият, фазилат, айниқса, самимиятни тезда фаҳшлаб оладиган инсон бўлган.

Отаси амир Баҳодир Тарағай барлос уруғининг оқсоқолларидан ҳамда Чигатой улусининг эътиборли бекларидан ҳисобланган. Унинг аждодлари Кеш вилоятида ҳокимлик қилишган. Амир Тему́рнинг отаси илмда бир маротаба Или дарёси бўйида хон томонидан чақирилдиган эл-юрт бекларининг қурултойига таклиф этиларди. Унинг бундай йиғинларга муттасил қатнашиб келганини муаррих Шарофиддин Али Яъзидий қуйидагича таъкидлаб ўтади: “уламо ва сулаҳо ва муттақийларга мажлис ва меҳрибон эрди ва буларнинг мажлисига борур эрди...”. Тарағайбек пири Шамсиддин Кулолни айниқса чуқур эҳтиром қилган. Кейинчалик Шайх Кулол Амир Тему́рнинг ҳам пири бўлган. Тарағайбек 1360 йили вафот этган.

Амир Тему́рнинг онаси Такина хотун Тож аш-шариа (шариат тожи) тахаллуси билан машҳур фақиҳ Убайдулла ибн Масъуднинг авлоди эди (1350 йил вафот этган). Соҳибқироннинг онаси ва отаси Шахрисабзда дафн этилган. Амир Тему́р онасининг хотирасига бағишлаб баланд-

лиги 71 метр келадиган дунёга машҳур Оқсарой ёдгорлигини бунёд эттирган.

Иккинчидан, Амир Тему́р улуғ устозлардан тарбия олган. Француз те-муруносларидан бири, профессор Марсель Брионнинг “Менким, Соҳибқирон – Жаҳонгир Тему́р” асарида Амир Тему́рга устозлик қилган улуғ зотларга ўрин ажратилган бўлиб, у Алибек исми-ли ўқитувчисидан дастлабки сабоқни олгани айтилади. Етти ёшга тўлганидан сўнг Алибек мактабини тарк этиб, Шайх Шамсиддин деган устозидан Калом илми-ни ўргангани ва Куръон оятларини ёд олгани қайд этилади. Амир Тему́р Шайх Шамсиддин мактабини муваффақиятли якунлагач, отаси уни илмда беаназира инсон бўлган Абдулла Қўтб мударрислик қиладиган мадрасага олиб бориб қўйгани айтилади.

Амир Тему́р ўн олти ёшга тўлганида ҳаётида аҳамиятга молик воқеалардан бири рўй беради: у Самарқандга сафари чоғида Амир Кулол билан танишади. Шамсиддин Кулолни Тему́рнинг отаси, кейинчалик Амир Тему́рнинг ўзи ҳам пири деб билган ва у зотга чуқур эҳтиром кўрсатган. Соҳибқирон улкан зафарларга эришишини Амир Кулолнинг дуолари шарофати билан, дея эътироф этгани тарихдан маълум.

Баҳоуддин Нақшбандни тасаввуф илмининг йирик намояндаси, нақшбанд тарикати асосчиси ва раҳнамоси сифатида бутун мусулмон дунёси яхши танийди. Амир Тему́рнинг пирларидан бири ана шу улуғ зот бўлиб, у 1318 йили Бухорода туғилган. Баҳоуддин ўн саккиз ёшга етганда Амир Тему́р дунёга келган. У етук давлат арбоби сифатида ўз салтанатини мустаҳкамлаётган бир даврда (1389 йили) Нақшбанд бу дунёни тарк этади. Амир Тему́р катта давлатни идора қилишда ўз пиру комили гоёларига таянган.

XIV асрнинг бошларида Мовароуннахрда мўғул истибдодидан қутулиш ҳаракати тобора кенг қулоч эсаётган эди. Юрт ва миллатни хонавайрон қилган босқинчиларга қарши курашга бел боғлаган Тему́р мамлакатнинг турли воҳаларида қасоскорона бошланётган кураш жараёнларини диққат билан кузатади. Унинг ўткир нигоҳи доирасига Бухорода халқни озодлик курашига ундаётган Баҳоуддин Нақшбанднинг ватанпарварона чиқишлари ҳам кирганлиги тарихий ҳақиқатдир.

Соҳибқирон ўз ўғитларининг бирида шундай дейди: “Пир у хомил шайх Баҳоуддин Нақшбанднинг: “Кам егин, кам ухла, кам дегин”, деган панду насихатларига амал қилдим. Аркону давлатга, барча мулозимларимга ҳам айтар сўзим шу бўлди, кам енглар – очарчилик кўрмасдан бой-бадавлат яшайсизлар, кам ухланглар – мукамалликка эришасизлар, кам гапиринглар, доно бўласизлар”.

Амир Тему́рнинг улуғ пирларидан бири бўлган Мир Сайид Барака 1320 йили ҳозирги Афғонистоннинг Андиҳ деган жойида туғилган. У Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) авлодларидан бўлиб, ислом дини-ни кенг тарғиб қилиш мобайнида турли ўлкаларга борган. Дастлаб Балхга Амир Хўсаин ҳузурига боради, лекин яхши муносабат кўрмагани учун Термизга келади у шу ерда ислом динининг кўзга кўринган пешволаридан бирига айланади.

1370 йил баҳорида Амир Тему́р амир Хўсаинга қарши йўлга чиқади. Қўшин Термиз яқинидаги Биё қишлоғига етганда маккалик шарифлардан Сайид Барака Амир Тему́р фаолиятини қўллаб-қувватлаб, унга олий ҳокимият рамзи – катта ногора-табл билан ялов-байроқ тортиқ қилади. Амир Тему́р бунинг рамзий маъносини чуқур англаб етган ва тарихий

манбаларга кўра мазкур тўхфаларни умрининг охиригача ардоқлаган. Сайид Баракани эса ўзига пир деб билган.

Учинчидан, Амир Тему́р ислом илми ва маънавиятини мукамал эгаллаган. Юқорида зикр этилганидек, Амир Тему́р кичиклигидаёқ Куръони каримни ёд олган. “Темурийлар шаҳараси” асарида муаллиф Турғун Файзиев Амир Тему́рнинг ихлос, эътиқоди ҳақида, жумладан, қўйидагиларни келтиради: “Амир Муҳаммад Тарағай, аввало, комил мусулмон ва баҳодир жангчи бўлган. Шунингдек, уламо фузалога ихлосманд, илм аҳлига ҳомий ва иштиёқманд киши эди”. Тарихчи Хельда Хўқхэм “Етти иқлим султони” асарида ёзишича: “Тему́р беш вақт намозни қанда қилмас, Рамазон ойида, албатта, рўза тутарди. Йил Рамазон ҳам Тему́р саройида катта тантана билан нишонланарди”. Яна мазкур асарда Соҳибқироннинг ҳайру саховати ҳақида ҳам илқ сўзлар келтирилган.

Амир Тему́р марказлашган давлатга асос солиш жараёнида динга эътибори кучли бўлганини кўришимиз мумкин. Амир Тему́р бир ҳақиқатни яхши анлаган – жамият эътиқодсиз яшай олмайди. Одамларга дин керак, иймон керак, ишонч керак. У “Тузуқлари”да шундай дейди: “Хар ерда ва ҳар вақт ислом дини қувватладим”. Тему́р инсонпарварлик ва мардликни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди, деган гални кўп такрорлар эди. Шунинг учун ўз муҳрига “**адолат**” ва “**озодлик**” деган сўзларни ёздирган эди. У ана шу икки сўзга умрининг охиригача содиқ қолган ҳам...

Тўртинчидан, Амир Тему́рнинг оила ва фарзандлар тарбиясига эътибори алоҳида мавзу. Соҳибқирон хотинлари орасида энг машҳури Сароймулхоним (Бибиҳоним) Чингизхон сулоласидан эди. Тему́рбек унга уйланганидан кейин Кўрагон унвонига сазовор бўлган. Сароймулхоним фарзанд кўрмаган. Соҳибқироннинг хотини Турмуш оқадан ўғли Умаршайх Мирзо туғилган, набиралари Али Мирзо, Рустам Мирзо, Искандар Султон Мирзо, Бойқаро Мирзо ва бошқалар бўлган. Дилшод оқадан ўғли Шохрух Мирзо, набираси Улуғбек, Султон Муҳаммад ва бошқалар дунёга келди. Менглик Қурбон оқадан ўғли Мироншоҳ, набиралари Муҳаммад Султон, Оға бегим ва бошқалар туғилган. Заҳрирддин Муҳаммад Бобур ҳам Менглик Қурбон оқа авлодидан бўлган. Амир Тему́р бўлажак келинларининг насл-насабига ҳам алоҳида эътибор қаратган.

Соҳибқироннинг давлат бошқаруви “**Рости русти**”, яъни “**Куч адолатдадир**” тамойилига асосланган. У ушбу шиорни ҳаммаша ўзи билан бирга эканлиги рамзи сифатида узуғига ўйиб ёздирган. Салтанатнинг обрўси, шарафи, халқ манфаати йўлида ғоят адолатли бўлган. Тему́р қаттиққўлликда ўзини ҳам, ўғиллари ва набираларини ҳам, қариндош-уруғларини ҳам аямагани ва давлат ишларида мустаҳкам тургани тарихдан яхши маълум. Унинг оилапарвар, юртпарвар эканлигини фарзанд ва невараларига аталган қуйидаги дил сўзларидан ҳам билишимиз мумкин: “Хар неким мамлакат маслаҳати учун айтдим, қулолнингизда тутинглар... Агар менинг васиятимга амал қилиб адлу эҳсон билан оламини обод этсангиз, кўп йиллар давлат ва мамлакат сизларда қолғусидир”. Амир Тему́р мамлакатни ситам ва зулм билан эмас, балки юксак маънавият билан, тафаккур билан бошқарган инсонгига узоққа бориши мумкинлигини ҳис этган.

Бешинчидан, улуғ саркарданиннг ўз юртига ва халқига муҳаббати чексиз бўлган. Манбаларда Соҳибқирон ёрқин

хислатларга эга, хотираси ўткир, шижоатли ва қатъиятли, бир сўзли, зўр руҳий қудрат эгаси, салобатли инсон сифатида таърифланади. Амир Тему́р ўз даврига хос турли сабабларга кўра бошқа мамлакатларга юришлар қилди ва Европа халқлари ривожланишининг тезлашишига ўз ҳиссасини қўшди. У маданият, ободончилик, хунармандчилик ҳомийси бўлиб танилди. Маданий юксалиш ва туркий тилининг ривожига кенг йўл очди. Амир Тему́р қатор Шарқ мамлакатлари, айниқса, Европа давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатиб, улар билан маданий ва савдо-сотик соҳасида кенг ҳамкорлик қилди.

Соҳибқироннинг хислатларидан бири шу эдики, бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон олимлари билан маслаҳатлашар, сўнг қарор қабул қиларди. Амир Тему́р давлатни ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган. Унинг “...давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга ошириш”, деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

Ибн Арабшохнинг ёзишича, Амир Тему́р Самарқанд атрофида қад кўтарган бир қанча янги қишлоқларни Шарқнинг машҳур шаҳарлари Димшқ (Дамашк), Миср, Бағдод, Султония ва Шероз номлари билан атади. Амир Тему́рнинг фикрича, Самарқанд катталиги, гузалиги ҳамда теварак-атрофининг ободлиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устунроқ турмоғи лозим эди. Ҳофиз Абрўнинг ёзишича, Амир Тему́р турк, араб ва форс тили ва тарихини чуқур билган. У давлат аҳамиятига молик бўлган ҳар бир масалани ҳал этишда шу соҳанинг билимдонлари ва уламо-лари билан маслаҳатлашарди. Одатда тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, тарих, адабиёт, тилшунослик илми намояндалари, шунингдек, илоҳиёт ва дин соҳасидаги машҳур уламолар билан суҳбатлар ўтказарди. Амир Тему́р саройида уламо-лардан мавлоно Абдуҷаббор Хоразмий, Шамсуддин Мунши, Абдулло Лисон, Баҳруддин Аҳмад, Нусмонуддин Хоразмий, Хўжа Афзал, Аллоуддин Қоший, Жало Хокий ва бошқалар хизмат қиларди.

Марказий Осиё халқлари орасида етишиб чиққан буюк тафаккур эгаларининг бутун бир авлоди Амир Тему́р асос солган ҳудудда шаклланди ва иҳод қилди. Бутун дунёга номлари машҳур тарихчилар Шарофиддин Али Яъзидий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий; олимлардан Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Қозидога Румий; файласуф-шоирлардан Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Лутфий, Саккокий, Атойи; мусаввирлардан Камолиддин Беҳзод, Қосим Али, Мирак Нақшоҳ; хаттотлардан Султон Али Машҳадий, Султон Муҳаммад Хандон, Муҳаммад Нур ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг барчаси ўша давр ва ўзларигача бўлган инсоният маънавияти, маърифати ва маданияти ютуғининг барча соҳаларини мукамал билиб, ўзлаштириб олган, ўзлари танлаган соҳаларининг ҳали ҳеч ким томонидан забт этилмаган чўққиларини эгаллаган улуғ сиймолар, қомусий илм эгалари бўлганлар. Амир Тему́р маънавиятининг мустаҳкам пойдеворини асрларга юз тутиб келаётгани, йиллар тўзонида ушбу пойдевор тўзимасдан, аксинча, янада сайқал топаётгани сири ҳам, шубҳасиз, шундадир.

Бўри ҚОДИРОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтини бўлим бошлиғи

Амир Тему́р ХИЁБОНИДА...

Салим АШУР

*Даврон китобини Инсон яратгай,
Ва унга қўйгайлар Ҳаёт деган от.
Башар нигоҳини бизга қаратгай,
Туркистон, Туронни бирлаштирган зот.*

*У – буюк тарихга солган улуғ йўл,
Қуёшдек кўтарган гурур тожини.
Унинг ҳузурида қовуштириб қўл,
Ҳануз келтиргайлар шараф божини.*

*Жаҳонни бузганда жаҳонгир бари,
Замонни қайтадан тузган тузуқлар,
Ёнганда дунёнинг авра-астари,
Бунёдкор, бинокор бўлган буюқлар.*

*Эгнидан дашт чангин қоққан у аср,
Адолат дастури ўчирган доғлар.
Битта гишт ўрнида қарқара қаср,
Бир дарахт ўрнида жаннатдек боғлар.*

*Пойтахт... бошланганда кун юмушлари,
Соҳибқирон вақти урар экан бонг.
Элчилардек келар баҳор қушлари,
Қуёш тараддудга тушади ҳар тонг.*

*Тулпор шиддатида эрклик журъати,
Юртга ёйилгайдир эрклик руҳи жим.
Етти иқлим узра тошиб ҳайрати,
Ўтлоқда ризқ терган қушлар ҳам муслим.*

*Давр дафтарига хат битгай котиб,
Биз ким... Бош бўғинмиз... – боқий, барҳаёт.
Жаҳонни бўйлайди идрокка ботиб,
Олис уфқларга нигоҳ солган зот.*

БОБОМИЗНИНГ БОҚИЙ МЕРОСИ

Миллий гвардиянинг пойтахтимиздаги “Тему́рбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейида OʻzLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан 9 апрель – Соҳибқирон Амир Тему́р таваллудининг 689 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ушбу кечага таклиф этилган партия фаоллари улуғ саркарда, марказлашган кучли давлат асосчиси Амир Тему́р бобомизнинг ҳаёти ва ҳарбий салоҳияти ҳақида сўзлаб беришди. Таъкидланганидек, Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий мезони ҳисобланган ижтимоий-иқтисодий адолат тамойиллари ҳам Амир Тему́р давлатчилигининг асосидир.

Амир Тему́рнинг “Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир” деган ўлмас ўғити OʻzLiDePнинг асосий шиорларидан бири сифатида қабул қилингани ҳам бежиз эмас. Чунки бу сиёсий куч Ватанимизнинг буюк келажагини таъминлаш учун аждодлар меросига таянади. Тарихдан маълумки, ул зот илм-фан ва маданият соҳаси ривожига улкан ҳисса қўшганлиги боис манбаларда Иккинчи Ренессанс бунёдқори сифатида эътироф этилади. Соҳибқироннинг босиб ўтган шарафли йўли, боқий мероси Учинчи Ренессанс пойдеворини кураётган бугунги авлодлар учун улкан маърифий хазина вазифасини ўтайди.

Тадбир сўнггида лицей ўқувчилари Темурийлар давлатларининг дунёда тутган ўрни ва хусусиятларини ифодаловчи саҳна кўринишларини намойиш этишди.

Ўз мухбиримиз

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел. факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ,
Бўғиртма рақами: Г – 445
Адади: 5734
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дун олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА